



(XX АСР БИРИНЧИ ЯРМИ АҚШ ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА АЁЛЛАР ТАҚДИРИ МАВЗУСИ Т.ДРАЙЗЕР ВА А.КОДИРИЙ АСАРЛАРИ МИСОЛИДА)

Урунова Сабоат Шукуруллаевна

Денов тадбиркорлик ва педагогика институти катта ўқитувчиси

Тел +998934510175

Resume

This article deals with analysis of woman character created by famous writer of the first half of the XX century – Theodore Dreiser school of novels. The great by novels Th. Dreiser “Jenny Gerhardt” has been taken as the basis for analysis.

Резюме

Женни Герхардт романининг бадиий ўзига хослиги, деб номланган ушбу мақола XX аср АҚШ романчилигининг вакилларида бири Т.Драйзер қаламига мансуб бўлиб, тақдир қурбонига айланган қиз Женнининг ҳаётини ёритиб беради.

Резюме

В данной статье в сопоставительном плане рассматривается мастерство в создании женских образов таких известных писателей первой половины XX века как американец Теодор Драйзер и основоположник узбекской школы романистики Абдулла Кадыри. Основой для анализа послужили романы Т.Драйзера «Сестра Керри» и «Дженни Герхардт», а также романы А.Кадыри «Минувшие дни» и «Скорпион из альтаря».

Қалит сўзлар:

Поэтика, руҳият, фожия, асар моҳияти, бадиий ўзига хослиги, тақдир қурбони, аёллар тақдири, суянчиқ излаш, андишалик, ахлоқ тамойили

Аристотель ўзининг машҳур “Поэтика” асарида шундай деб таъкидлаган: “Фожиявий асар изтироб билан инсон руҳини покловчи муҳим ва тугал воқеа тасвиридир”. Бунинг бир исботи шундаки, адабиётнинг мислсиз бадиий кашфиётлари деб кўкларга кўтарилган айрим асарлардаги хотин-қиз қаҳрамонларнинг бирортаси Алишер Навоийнинг Ширину, Лайлиси ёки Шекспирнинг Дездемонаси-ю Оделияси, ҳатто Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романидаги Кумуш сингари адабий-бадиий қудрати билан шон-шухрат қозона олмади. Тўғри, Кумуш Шекспир ёки Лев Толстой каби даҳолар яратган образлар даражасида деб бўлмади. Негаки, улар чинакам ижодий эркинлик таъминланган шароитда яратилган. Албатта, ҳозир башарият ХХI асрга қадам қўйган бўлсада, Кумуш ҳамон ХIХ аср фарзанди сифатида тасвирланиб келинмоқда. Ҳозирги бадиий қаҳрамонларимиз Қодирийнинг Кумушларидан албатта фарқланади, аммо қайси бир хусусиятлари ўз моҳиятини ҳалигача йўқотмаган ва йўқотмайди ҳам дейиш мумкин. Шу билан бирга ҳаёт шундайки, у инсонларни, шу жумладан қизлар,

аёллар, опа-сингилларни қайси бир жиҳатидан ўзгартиради ва бу ҳолат бадиий адабиётда ўз аксини топмасдан қолмайди. Масалан, Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” асаридаги “шеърый бир хусн” соҳибаси бўлган фозила бир қиз Раъно ҳам ҳажр йўлига ризолиги, бир олам орзулар кучоғида яшаши, кўнгил розларини тушунадиган таянч, суянчиқ излаши, андишаллиги, шоиртаъблиги, жасурлиги уни ҳайвоний истакларга қарши исёнга етаклаши табиий эди. Адиб бу қаҳрамони орқали Шарқ аёлининг чинакам садокати ва қатъиятини моҳирона ёритиб бера олган.

Т.Драйзер асарларини кизиқиб ўқиган америкалик адиба Перл Бак «Ҳеч бир америкалик ёзувчи-ёзган асарларининг аҳамияти бўйича Т.Драйзер билан бир қаторда тура олмайди»¹деб ёзган эди. Дарҳақиқат, Драйзернинг “Бахтиқаро Керри” асаридаги қаҳрамон қиз Керри эсли-хушли бўлса ҳам, лекин тажрибаси йўқ, ёшлик орзулари билан яшовчи, кўрган нарсаларидан тегишли хулосалар чиқаришга заиф. Худбинлик унинг табиатига хос нафс балосига айланган эди. Унинг Чикагодаги опасиникига бориши ҳам шунинг оқибатидир. Асарнинг асосий ғояси Америкада барча учун барабар имкониятлар мавжуд, деган иллюзияни фош этишда кўринади. Керрининг орзу-истаклари капиталистик иллатлар авж олган шаҳарда амалга ошиши қийин эди. Ҳалол меҳнат билан яшашга илож қолмагандан сўнг, у бошқаларнинг “беғараз” ёрдамига берилади. Олифта йигит Чарльз Друэнинг яхши қийиниши ва гапларига учиб, кейинчалик эса, бир майхонанинг бошқарувчиси, пулдор ва муомалани биладиган оилали киши Герствудни ундан устун қўяди. Керри эса, фақат ўзини ўйлаб, уни ҳам ташлаб кетади ва театрға ишга киради. Оғир аҳволда қолган Герствуд газдан заҳарланиб ўлади, Керри эса ўша муҳитга мослашиб қолади. У муҳтожликда ўтказган ўтмишини, иш тополмай дарбадар кезган кунларини эслайди ва шундан сўнг ўзини санъатга уради. Аёл қалбининг гўзал, аммо, ўта нозик, ҳатто, кичик кўнгилсизликлардан ҳам барбод бўлиши мумкин бўлган олами ушбу асарда жуда маҳорат билан тасвирланган.

Т.Драйзернинг “Бахтиқаро Керри” ва “Женни Герхардт”, А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романлари ўтган асрнинг 10-20-йилларида яратилган ҳар тўрт романда ҳам аёллар ҳаёти, аёллар тақдири бош мавзулардан ҳисобланади. Зеро, Т.Драйзер асарларининг номидан фарқли ўлароқ, А.Қодирий романларида бош қаҳрамонлар Отабек ва Анвар Мирзо бўлса ҳам, бу икки ўзбек йигитининг тақдирини Кумуш, Зайнаб ва Раъноларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Абдулла Қодирий ўз асарларидаги аёллар образлари устида ишлар экан, уларнинг маданий савияси, ахлоқ тамойилларига алоҳида эътибор беради. Мумтоз адабиётимиз ва дунё адабиёти сирлари билан таниш бўлган Абдулла Қодирий образ яратишда одамийлик, ахлоқ ва одоб талабидан келиб чиқадиган ақидаларга асосланади. Энг муҳими, ўзбекни ўзбек қилиб кўрсатади. Унинг маънавий ва маданий қиёфасини бир лаҳза ҳам унутмайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳар иккала адиб ижодида аёллар образлари жамиятдаги иллатларни фош этишга хизмат қилади. Жумладан, Зайнаб ҳам, Керри ва Женни ҳам ўз шахсий манфаатлари йўлида ҳаракат қиладилар.

Бу йўлда ҳеч нарсадан қайтмайдилар. Агар Зайнаб ўзига тўқ оиладан чиққан бўлиб, унга фақат Отабек билан бахтли бўлиш етишмаётган бўлса, Женни билан Керрилар “америка орзуси” билан яшайдилар, бу орзуларига етишганларидан кейин, Лестер, Друэ ва Герствудларнинг уларга кераги бўлмай қолади.

А.Қодирий ва Т.Драйзер ўз асарларида аёллар руҳиятининг нозик қирраларини очиб беришга эришди деб, айтиш мумкин. Ҳар иккала романапислар ижодини ўрганиш ва

¹ Nora Stirling. Pearl Buck. A Woman in Conflict. -NY. Copyright 1983 by Nora Stirling, p.171.

асарлар моҳиятини қиёслаш турли қизиқарли қарашлар ва диққатга сазовор мулоҳазаларни юзага келтираверади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.- Т.: Ўзбекистон, 1995.
2. Дима Александр. Сравнительное литературоведение. М., 1983.
3. Сулаймонова Ф.К. Шарқ ва Ғарб. Т., Фан, 1997.
4. Саидов У. Шарқ ва Ғарб. Т., Янги аср авлоди, 2008.
5. Абдулла Қодирий. Ўтган кунлар, Ўқитувчи. -Т.: -1980.
6. Абдулла Қодирий. Мехробдан чаён. Ғ.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1974.
7. Мирзаев С. Ҳаёт ва адабиёт (илмий асарлар, публистик мақолалар), - Т.: Шарқ, 2001.
8. Теодор Драйзер. Женни Герхардт. – Т.: Ёш гвардия, 1982.
9. Теодор Драйзер. Бахтиқаро Керри. – Т.: Шарқ НМАК, 2007.